

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ВАСИҚАЛАРНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Ярмухаммат Худайбергенович МАДАЛИЕВ

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети

Чимкент, Қозоғистон

e-mail: madaliev_61@mail.ru

Нодир Нормуродович РАМАЗОНОВ

доцент

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: n.ramazanov@tsul.uz

Аннотация

Мақолада қадимги туркий васиқалар компонентларнинг берилиш усули, нутқ услуби, мазмунига кўра турлари нуктаи назаридан ўрганилган. Васиқаларнинг қулга эркинлик бериш, қулни сотиш, кимса (шахс) ёки нарсани гаровга кўйиш, васиятнома ёки мерос бўлишиш, бола асраб олиш, экин майдони ёки узумзорни ижарага олиш, қарз олиш, товар-буюмни айирбошлаш, уй-жой, ер олди-берди васиқалари каби турлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: васиқа, ёрлик, васиқаларнинг турлари, васиқалар услуби.

О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ДРЕВНЕТЮРКСКИХ ГРАМОТ

Ярмухаммат Худайбергенович МАДАЛИЕВ

доктор философии (PhD) по филологическим наукам
Южно-Казахстанский университет им. Мухтара Авезова

Шымкент, Казахстан

e-mail: madaliev_61@mail.ru

Нодир Нормуродович РАМАЗОНОВ

доцент

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: n.ramazanov@tsul.uz

Аннотация

В статье древнетюркские грамоты (васика) изучаются с точки зрения способа подачи компонентов, стиля речи, типов по содержанию. Анализируются такие виды грамот, как предоставление свободы рабу, продажа раба, заклад кого-либо или чего-либо, завещание или наследование, усыновление ребенка, аренда земли или виноградника, получение займа, обмен товаров, купля-продажа.

Ключевые слова: грамота, ярлык, виды грамот, стиль грамот.

Маълумки, васиқалар мулкӣ муносабатлар соҳасида тузилган расмий шартнома бўлиб, кўпинча улар кўчмас мулкка (ер-сув, шахсий ва хўжалик биноларига) доимий ёки вақтинчалик эгалик қилиш ҳуқуқини берган [8]. Шунингдек, васиқа – қулга берилган эркинлик, кишилар ўртасидаги олди-берди, гаровга қўйилган буюм, сотилган ёки ижарага олинган мулк, меросни тасдиқловчи, далилловчи расмий ҳужжат, тилхат маъносини ҳам билдирган [4]. Шу сабабли бўлса керак, рус тилидаги манбаларда васиқа кўпинча, “купчая”, “документ на право (владения / пользования имуществом)”, “грамота”, “удостоверение” терминлари билан ифодаланган [1]. Васиқа сўзи атама сифатида кейинчалик, ислом давридан бошлаб ишлатилган. Ўтмишда эса унинг номи ялпи *bitig / bitik* деб юритилган. Фақат бошқалардан ажратиш учун қарз олиш васиқасини қарз битиги, васиятномани васият битиги, қулга эркинлик берувчи васиқани озодлик битиги номлари билан, изоҳловчи бирикмали тарзда ифодаланган.

Васиқа ҳужжат туздирётган шахсларнинг, *олимчи* ва *беримчининг* кўз ўнгида, бунга қўшимча ҳолда, икки-уч киши гувоҳлигида тузилган; уларнинг қўл бармоқ излари, белги-тамғаси билан тасдиқланган. Сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар васиқа тузилган, қўл қўйилиб, тамға босилган кундан бошлаб кучга кирган, расмийлаштирилган деб ҳисобланган.

Васиқаларда компонентларнинг берилиш усули. Васиқалар қулга эркинлик бериш, қулни ёки ерни сотиш, бола асраб олиш, экин майдонини ижарага олиш, дон-дун, кунжут сингари нарсаларни қарзга олиш, бир буюмни бошқа бирор нарсага айирбошлаш, қарзга пул ёки олтин-кумуш олиш билан боғлиқ ҳолатларда тузилган. Ўтмишдан қолган васиқаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) қулга эркинлик бериш васиқалари;
- 2) қулни сотиш васиқалари;
- 3) кимса ёки нарсани гаровга қўйиш васиқалари;
- 4) васиятнома ёки мерос бўлиш васиқалари;
- 5) бола асраб олиш васиқалари;

- 6) экин майдони ёки узумзорни ижарага олиш васиқалари;
- 7) қарз олиш васиқалари;
- 8) тавар-буюмни айирбошлаш васиқалари;
- 9) олди-берди васиқалари;
- 10) бошқа турдаги васиқалар.

Ўз навбатида, ер-сувни солиқлардан озод қилиш, ер олди-сотдиси ва ижараси билан боғлиқ равишда васиқалар қуйидаги турларга бўлинади [2]:

1. Ерни сотиш, гаровга қўйиш васиқалари – васиқаи жоиз.
2. Ерни сотиб олиш ва уни имтиёзли мулкка айлантириш – васиқаи мубодила.
3. Ерни инъом қилиш – васиқаи бахшиш (танҳо).
4. Мулкни ижарага бериш – васиқаи ижара.

Васиқаларнинг компонентлари уларнинг турига боғлиқ бўлган. Васиқаларда нутқ усули ҳам муҳим ҳисобланиб, масалан, қулга эркинлик бериш васиқаларида матн, одатда, эркинлик берувчи шахс тилидан (нутқидан) тузилган. Ёки олди-берди ҳужжатларида матн беримчи (бераётган томон) тилидан (нутқидан); ерни сотиш васиқаларида эса сотувчи нутқидан тузилган. Лекин пулни ёки айирбошланаётган нарсани санаб олаётган олимчи (олаётган томон)нинг матн орасидаги сўзи, гувоҳларнинг ва хат битувчининг васиқа якунидаги сўзлари уларнинг ўз нутқидан келтирилади. Буларнинг барчаси ҳужжатнинг ишончлилиги, ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган. Васиқаларнинг қолипи аниқ, уларда стереотип бирликлар ҳужжатларга қараганда кўпроқ ишлатилган. Шунга кўра, васиқани қолип-ли ҳужжат (“қолип-ҳужжат”) деса бўлади. Васиқаларда компонентларнинг берилиш усуллари қуйидагича:

1. Васиқаларда сана (тарих – йил, ой, кун)нинг берилиши. Юсуф Хос Ҳожиб “сана”ни *yil-au-kün* деб атаган (*Умр йил-ой-кундек кечади* [9]). *Yil-au-kün* “календарь, тақвим”ни ҳам билдиради. Шарқ манбашунослигида *yil-au-kun un sana* ёки *ta'rix* дейилади [5]. Васиқалар ҳужжат тузилган кунни, яъни тарихни айтиш билан бошланади. Сана йил–ой–кун кетма-кетлигида, яъни

башлаб йил, кейин йилнинг оyi ва оyнинг куни айтилади. Йил эскича турк-мучал тартибида, оyлар эскича саноқ кетма-кетлигида: биринчи оy, иккинчи оy, учинчи оy, ... сингари қайд этилади. Айрим васиқаларда оyлар буддавий отлари билан аталган: ағам аy (биринчи оyнинг оти), кўпинча эса туркий мучал йил ҳисоби ва исломий ҳижрий йил ҳисоби биргаликда келтирилади. Масалан, Тўхтамишхон томонидан Бек Ҳожи номига берилган ёрлиқ-васиқасида худди шундай ҳолни кузатишимиз мумкин: “Ушбу ёрлиқ ўрда Ўратепада турган пайти, маймун (пичин) йилининг ёзида, ҳижрий 784 йили зулқаъда оyининг 24-куни ёзилди” [3]. Бунда ҳам туркий мучал ҳисоби (маймун йили), ҳам ҳижрий-қамарий йил ҳисоби акс этган. Бу ҳар иккала йил ҳисоби бир хилда амалда бўлганлиги билан изоҳланади.

2. Васиқада қарз олинаётганлиги ёки мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исм-шарифини кўрсатиш. Қарз олаётган ёки мулкни сотаётган бир киши бўлса, менга, икки ва ундан ортиқ киши бўлса, бизга сўзи билан исм-шарифи ва нима учун, кимдан қарз олаётгани ёки кимга мулк сотаётгани кўрсатилади [5].

3. Васиқада беримнинг нархи ва қайтимнинг келишуви. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда сотилаётган ернинг нархи олдиндан келишиб олинади. Ернинг эвазига олинаётган нарса ўлчами ва қиймати аниқ кўрсатилади: буни “(шу нархга) кесишдик” (kesiştimiz) деб таъкидлаб ҳам кўйилади.

4. Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган дон-дун ва шунга ўхшаш нарсалар учун тузилган васиқаларда беримнинг қачон ва қанча қилиб қайтарилиши ҳам кўрсатилади [5].

5. Васиқаларда томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтганлигининг кўрсатилиши. Васиқалар бир вақтнинг ўзида товар-моддий бойликларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси вазифасини ўтаганлиги сабабли “... ерни сотиш, бирон нарсани айирбошлаш билан боғлиқ васиқаларда олувчи пулни ёки қиймати сотилаётган ерга, айирбошланаётган нарсага тенг молни ҳеч қолдирмай санаб берганини, сотувчи эса уни санаб олганини

билдирувчи...” қисм киритилган [5]. Бу жумлалар одатда ҳар икки томон тилидан берилган.

6. Мулкнинг бутунлай сотилганлигини далилловчи жумла. Мулкнинг олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда ер ёки қулнинг бутунлай сотилганлигини билдириш учун (минг йил туман кунга қадар эғалик қилсин), (минг туман йилга қадар эғалик қилсин) сингари таъкид жумлалари ишлатилган. Ушбу бирикмалар мулкдан фойдаланиш вақтининг чексизлигини англатиш учун киритилган (чунки минг йил, туман кун жумлалари қадимий туркий манбаларда кўпинча чексиз вақт эквиваленти сифатида келади).

7. Мулкни харид қилган шахснинг мулкка эғалик қилишда эркинлигини ифодалаш. Бунинг учун васиқаларда кўпинча “Истаса ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин” қабилидаги жумладан фойдаланилган.

8. Васиқаларда сотилаётган ернинг чегарасини кўрсатиш. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда узил-кесил сотилаётган ернинг чегараси ҳам аниқ кўрсатилган. Бунда ернинг тўрт ёқдаги чегараси, унинг кимларга тегишли жойлар билан туташуви аниқ берилади. Хужжатларда “тараф, томон” дейилиб, чегара ёқлари шунга кўшиб айтилган. Қадимги туркий манбалар бўйича йирик мутахассис Қ.Содиқов бунда öndün yınag – шарқ томон, күntün yınag – жануб томон, kedin yınag – ғарб томон, баъзи хужжатларда мамлакат шимоли тоғлар билан ўралгани учун, шимолни tagdın yınag дейилганлигини қайд этиб ўтади [5].

9. Васиқаларда олди-бердини кузатиб турган гувоҳларни кўрсатиш. Тузилган васиқаларнинг якунида олди-бердини, ҳуқуқий жараёни кузатиб турган кишилар – гувоҳлар (tanug / tanuq) ҳам кўрсатилган. Матннинг ушбу бўлаги хужжатнинг легитимлигини таъминлашга хизмат қилган.

10. Васиқаларда хат битувчини кўрсатиш. Васиқалар сўнгида олди-бердини хужжатлаштирган, хужжатни битган кишининг исми ҳам

кўрсатилган. Ҳужжат битувчи (мирза) охирида ўзининг исмини ҳам ёзиб қўйган [6], [7].

Ёрлик-васиқалар. Васиқалар билан боғлиқ муҳим жиҳатлардан бири шуки, бирор мулк ёки ҳуқуқни тақдим этаётган томон (шахс) мансаб эгаси бўлса, унинг ўзи васиқа бериш ҳуқуқига эга бўлган. Амирлар, беклар ер ва бошқа қўчмас мулкларини тортиқ қилганларида, васиқани ўзлари берганлар. Масалан, Тўхтамишхон томонидан Бек Ҳожи номига берилган ёрлик-васиқа унга ва у билан боғлиқ кишиларга Тўхтамишхон ҳукумати остида бўлган ҳудудларда муайян ҳуқуқлар берилганлигини тасдиқлаган ва ушбу ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлаган. Унинг матнида биз қуйидагиларни ўқиймиз:

“Менинг умидим Аллоҳдан, нажотим эса Унинг қарами ва раҳматидандир”.

“Тўхтамиш, менинг сўзим”.

“Қрим вилояти бошлиғи Қутлуқ Буғага, беклар, доруғалар, қозилар, муфтийлар, шайхлар, сўфийлар, девон мирзалари, божхона бошлиқлари ва хирож йиғувчилар, лашкарбоши ва қоровуллар, ҳунармандлар ва барчага.

Бу ёрлиқнинг эгаси Бек Ҳожи, унга бўйсунувчи барча қабиласи билан, бизнинг илтифотимизга лойиқ бўлди. Унинг шўрақол қабиласидан ҳар йили давлат хазинасига барча турдаги солиқлар ундирилар эди. Аммо аввал унга, қўл остидаги барча қўчманчилар билан, Темур Пўлод томонидан берилган Тархон имтиёзли низомга кўра: “Айтилган солиқлар шўрақол элидан ундирилмасин, ям (почта) учун отлар олинмасин, нон дўконлари учун тўловлар талаб қилинмасин, улар Қримнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам, ўзларининг кўчиб юришларида озод бўлсин ва ҳеч қандай амалдорлар билан боғлиқ бўлишмасин, ва ниҳоят, барча турли солиқлар билан бирга кўчиб юришларида уларга нафақат зарар етказилмасин, балки улар илтифот ва ҳимояга ҳам эга бўлишсин” деб буюрилган эди. Биз ушбу ҳуқуқлар муддатини узайтирамиз, уларга зарар ва мусибат етказиши мумкин бўлганларга қарата айтамызки, Ҳожи Бек менинг севимли инсонимдир, ва

кимки ушбу ёрликни бузса, биздан яхшилик кутмасин. Бунинг тасдиғи сифатида унга ушбу қирмизи тамғали ёрликни берурмиз. Ушбу ёрлик ўрда Ўратепада турган пайти, маймун (пичин) йилининг ёзида, хижрий 784 йили зулқаъда ойининг 24-куни ёзилди” [3].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланган васиқаларда ҳужжатнинг легимлигини таъминловчи белгиларга алоҳида аҳамият қаратилган. Улар қаторида қуйидаги белгиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Васиқаларда ҳужжатнинг тузилган куни аниқ кўрсатилган.
2. Васиқаларда қарз олаётган, қарз бераётган кимсалар, қарзнинг қайтарилишини кафолатга олаётган шахслар (кафиллар), шунингдек, олди-бердига гувоҳ сифатида жалб этилган шахслар номи аниқ кўрсатилган.
3. Ҳужжатни битувчи шахс – мирза, котиб исми кўрсатилган.
4. Насияга олинаётган нарс-буюмнинг ўлчови, унинг қачон ва неча ҳисса килиб қайтарилиши аниқ кўрсатилган.
5. Агар тўлов кечиктириладиган бўлса, қўшимча тўлов (бадал, жарима) миқдори ҳам ҳужжат тузилаётган вақтдаёқ олдиндан кўрсатилган.
6. Агар қарз ёки насия олаётган одам (беримчи) тўлов қобилиятини йўқотса ёки дом-дараксиз йўқолса, вафот этса, унинг яқинлари кафил қарзини тўлаши аниқ ёзиб қўйилган.
7. Мол-мулк савдосида харид қилинган мулкни келажакда мулк эгасидан ҳеч ким, ҳатто, бекларнинг кучига таяниб ҳам, даъво қила олмаслиги, харидор (олимчи)нинг эрки бутунлай ўзида эканлиги кафолатланганлиги васиқа матнида акс эттирилган.
8. Агар васиқа ер савдоси билан боғлиқликда тузилган бўлса, сотилаётган / сотиб олинаётган ернинг ўлчами, майдони, чегаралари аниқ кўрсатилган.
9. Ер ижарага берилаётган бўлса, экиладиган экин учун уруғликнинг пулини, ер-сув, мулк ва даромад солиғини ким тўлаши аниқ кўрсатилган.

10. Хужжат бир неча кишининг (шахсларнинг) нутқидан тузилган. Хужжат тузишда қатнашаётган кишиларнинг сўзлари уларнинг ўз тилидан (кўпинча 1-шахсдан) келтирилган.

11. Васиқаларга томонларнинг, гувоҳларнинг нишони, тамғалари босилган. Уларнинг айтган сўзи тамғалар билан тасдиқланган.

Ушбу белгилар васиқа-хужжатнинг ишончилиги, легитимлигини оширган, улар тақдим этилганда шубҳаларга ўрин қолдирмаган, битим амалга оширилганидан кейин сўзидан қайтиш ҳолатларининг олдини олган, тузилган васиқа битими юзасидан келишмовчиликлар юзага келадиган пайтларда уларнинг Туркистонда XX асрнинг бошларигача амалда бўлган махсус васиқа судлари (васоиқ маҳкамаси) ва васиқа судьялари (қозиюл васойиқ) томонидан кўриб чиқилиши жараёнларини осонлаштирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Древнетюркский словарь. /Ред. В.М.Наделяев, Д.М.Насилов, Э.Р.Тенишев, А.М.Щербак. – Ленинград: Наука, 1969.

2. Madraimov A., Fuzailova G. Manbashunoslik: Bakalavriyatning 5140600-tarix yo‘nalishi talabalari uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008.

3. Письменные памятники Тохтамыш-хана // https://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/Zolotoord/XIV/1380-1400/Tochtamysch/jarlyk_bek_chadji_19_02_1381_II.phtml?id=13287

4. Содиқов Қ. Қадимги туркий васиқаларда расмий ва бадий услублар синкретизми масаласи // Андижон ДУ Илмий хабарнома. – Научный вестник, 2023. – №4. – Б. 75-78.

5. Содиқов Қ. Эски туркий хужжатлар: матн интерпретацияси ва стилистикаси. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2015.

6. Содиқов Қ., Омонов Қ. Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари. – Тошкент, 2012.

7. Содиқов Қ. Туркий хужжатчилик тарихидан. – Тошкент, 2014.

8. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000.

9. Ҳожиб, Юсуф Хос. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). /Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Тошкент: Фан, 1971.